



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 79 (12.640)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 21 апрель куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Испания Кириллиннинг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Хосе Мануэль Гарсиа-Маргальони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражада эканини мамнуният билан таъкидлади. Бугунги куннинг долзарб халқаро ва минтақавий масалаларини ҳал этишда Испаниянинг ўрни ва роли юқори эканини қайд этди.

Сўхбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва устувор йўналишлари, халқаро ҳаёт, жумладан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Испания билан Европа Иттифоқидаги муҳим ва ишончли шерикларидан бири сифатида барча йўналишлардаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва барқарор ўсиш суръатлари, мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароит ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг мустақам асоси бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон бозорида Испаниянинг «Тальго», «Максам», «Инитек энергия» каби етакчи компаниялари

фаол иш юритаётгани икки томонлама самарали ҳамкорликнинг муваффақиятига мисол бўла олади.

Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг доимий мулоқотлари иқтисодиётнинг турли соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш ортиб бораётганидан далолат бермоқда. Ислон Каримов шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган бизнес-форум ишига муваффақият тилади. Ушбу анжуманда иштирок этиш учун Испаниянинг инфратузилма лойиҳалари ва юқори технологиялар соҳалари вакиллари билан иборат нуфузли делегация ташриф буюрган.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликка оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Х.М.Гарсиа-Маргальони самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этиб, ҳукумат Раиси Мариано Рахой Брей давлатимиз раҳбарига Испанияга расмий ташриф буюришни таклиф этганини билдирди. Меҳмон Испания раҳбарияти бундан буён ҳам очик сиёсий мулоқот ва икки томонлама манфаатли барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлиқни мустақамлашга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Ёшларга оид
давлат сиёсати —
амалда



Пойтахтимиздаги «Ботаника» боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган оммавий сайил ва экологик фестивал бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бадий академия, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

БОҒДАГИ НАВРЎЗ САЙЛИ



Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида асрлар оша яшаб келаётган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни ушбу анъаналарга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган шодиёналарда ушбу миллий байрамимизни халқимизнинг тарихий қадриятлари, урф-одатларига ҳамроҳ тарзда нишонлаш юзасидан кенг кўламли эзгу ишлар амалга оширилаётган. Бу жараёнда инсоният тафаккури тараққиётида муҳим ўрин тутувчи халқ оғзаки ижоди, хунарамандлик, бунёдкорлик, яратувчиликка оид миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш доимий эътиборда.

«Ботаника» боғидаги оммавий сайил доирасида ўтказилган миллий либослар фестивали, хунарамандлик, оилавий ва хусусий тадбиркорлар маҳсулотлари кўргазмасида бу анъаналар изчил давом этаётгани ва замонавий жиҳатлар уйғунлаштирилган ҳолда ривожланиб бораётгани яққол намоён бўлди.

Миллий қадриятларимизни муносиб давом эттиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнес изчил ривожланмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Оқилон маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунаввара Икромованинг айтишича, бугунги кунда ушбу маҳаллада кулчилик, бешиқсозлик, чармгарлик, тикувчилик каби миллий хунарамандлик турларини давом эттираётган оилалар кўп. Байрам кўргазмасида оқилонлик хунарамандларнинг ана шу йўналишдаги маҳсулотлари кўргазмаси барчага манзур бўлди.

(Давоми 2-бетда)

«LONDON BUSINESS MATTERS»

ЮРТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНияТЛАРИ ҲАҚИДА

Британияда нашр қилинадиган «London Business Matters» журналининг апрель ойи сонидида мамлакатимиз иқтисодиёти ва сармоявий салоҳиятига бағишланган «Ўзбекистондаги имкониятлар» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Унда мустақилликка эришилганидан сўнг мамлакатимизда ривожланишнинг «Ўзбек модели»га таянган ҳолда, эркин бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўли танлаб олингани қайд этилади. Мақолада 30 миллион нуфусга эга бўлган мамлакат аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этиши, мавжуд бой табиий захира салоҳияти, яратилган инфратузилма ҳамда юқори малакали ишчи кучлари республикада иқтисодиёт ривожланишининг юқори даражага кўтарилишида ва ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоизни ташкил этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилгани ўз эътирофини топган.

Маълумки, ҳозирги пайтда юртимизда нефть ҳамда газ қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, транспорт, тоғ-кон ва металлургия соҳаларида 55,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 300 дан зиёд сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур мақолада макроиқтисодий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари, фойдали қазилмалар захиралари ва энергетика мустақиллигига оид маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

«Ўзбекистон минтақида энг диверсификациялашган иқтисодиётга эга бўлган ҳолда, турли рўсумдаги кўплаб энгил ва юк автомобилларини, қишлоқ хўжалиги техникаларини, кимё, тўқимачилик, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқармоқда. Мамлакатда фаоллаётган юртимизнинг иқтисодий ва индустриал зоналар замонавий транспорт ва логистика инфратузилмисига боғланган юқори технология қўшма корхоналарини тузишни мўлжалга олганки, бу ривожланиб бораётган бозорларга маҳсулотни тўғридан-тўғри экспорт қилиш имкониятини таъминлайди. Корхоналар учун солиқ сиёсатида рағбатлантиришлар мавжуд, шу жумладан, солиқ ва божхона тўловларидан озод этиш, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб белгиланган имтиёзлар яратилган», деб ёзилади нашрда.

Шу билан бирга, «London Business Matters» журнали ўз ўқувчиларини савдо-иқтисодий соҳадаги Британия — Ўзбекистон ҳамкорлиги тажрибаси билан таништирар экан, мамлакатимизда 100 фоиз Британия капитали асосидаги 110 дан зиёд, Буюк Британия капитали иштирокидаги 200 дан ортқ компания фаолият кўрсатаётганини қайд этди. «Улар орасида «UzBAT», «Rio Tinto», «Worley Parsons», «ITE» ва бошқа компаниялар бор», дея қайд этилади мақолада.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Муҳаммад Юсуф она Ватан

куйчиси» мавзуида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

✓ **БУГУН** «Халқаро савдо маркази»да «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини такомил-

лаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш — иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг асоси-

дир» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Яккасарой туман ҳокимлигида «Тадбиркорлар куни» тадбири ўтказилади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган тумани бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман ҳокимлиги, прокуратура, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

• Бухоро вилояти мусикали драма театрида улғу туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Андижонда «Машинасозликда замонавий материаллар, техника ва технологиялар» мавзусида халқаро илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир доирасида «Олий таълим муассасалари, фан ва ишлаб чиқаришни жадаллаштириш: долзарб муаммолар ва уларни ечиш йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Фарғона давлат университетида олий ўқув юртлири талабалари ўртасида «Тафаккур синовлари» республика танловининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.

• Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонанинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шифохонанинг янги биносида «Амударё» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 3 миллиард 189 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

• Маълумки, Ер шари экотизимида чўл ва ярим чўлли ҳудудлар сайёрамизда карбонат ангидрид даражасини меъёрлаштириб туриш хусусиятига эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Олимлар АҚШнинг жануби-ғарбидаги Мохав чўли типроқлари таркибини ўрганганида типроқлар карбонат ангидридга ўта тўйингани маълум бўлди. Бу карбон газлари айнан атмосфераники эканлиги ҳам тасдиқланди.

• Жорий йилда Германия иқтисодиёти 1,8 фоиз ўсишга эришди. Яъни айни пайтда Германия экспорт салоҳияти жадаллашиб, бунга ҳамроҳанг тарзда ички талаб ҳам тобора юксалиб бормоқда. Масалан, жорий йил ички талаб 1,9 фоиз ўсишига умид қилинаётир. Булар, шубҳасиз, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошишига олиб келади.

• Маълумки, шу йилнинг 8 мартда 227 нафар йўловчи ва 12 нафар экипаж билан Куала-Лумпурдан Пекинга парвоз қилган «Boeing 777-200» самолёти радар экранларидан ғойиб бўлиб, дом-дараксиз йўқолган эди. Мазкур халқаро қидирувга авиация тарихида ҳали кузатилмаган маблағ харжланмоқда. Хомчўтларга қараганда, бир ойнинг ўзида 44 миллион доллардан ортқ маблағ сарфланган. Бу фақат «айсберг»нинг юқори қисми холос. Буюк Британия, Янги Зеландия, Жанубий Корея, Франция ва бошқа давлатлар харажатлари бунга киритилмаган.



БОҒДАГИ НАВРЎ САЙЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Байрамга набираларим билан келдик, – дейди ЎЗА муҳбирга Ҳамза туманидаги Ўрта масжид маҳалласида яшовчи Феруза Ғозиева. – Миллий таомлар – сумалак, ҳалим, ош пиширилиб, элга тортилаётгани бугунги тинч, обод ва фаровон кунларнинг шукронаси. Юртимизнинг осмони доимо мусаффо, тинчлик, фаровонлик бардавом бўлсин!

Мазкур оммавий сайил ва экологик фестивалнинг «Ботаника» боғида ўтказилиши беҳиз эмас. Зеро, Наврўз инсониятни табиат билан уйғун яшашга, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот олами асрашга даъват этувчи миллий байрамимиздир. Тадбир доирасида «Ботаника» боғи –

болалар нигоҳида» мавзусидаги расмлар кўргазмаси, ўқувчи-ёшлар ўртасидаги интеллектуал ўйинлар, викториналар, расмлик бўйича маҳорат сабоқлари каби тадбирларда мутахассислар ва ўқитувчилар томонидан ёшларга барқарор ривожланишга эришишда табиатдан оқилна фойдаланишнинг аҳамияти хусусида билим ва тушунчалар берилди. Дилларга баҳорий кайфият улашувчи гул сайлида юртимизда етиштирилаётган турфа гулларни экиш, парваришlash усуллари ҳақида мутахассислар атрофлича маълумот берди.

Санъаткорларнинг концерт дастури барчага байрамона кайфият улашди.

Б.ХИДИРОВА



Транспорт

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳрида автобус йўналишларини янада мақбуллаштириш, ҳаракатланадиган таркибининг рационал миқдорини аниқлаш мақсадида жорий йилнинг 23 ва 27 апрель кунлари транспортнинг барча турларида йўловчилар оқими комплекс ўрганиб чиқилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси, шаҳар ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳамкорлигида ўтказилган мазкур жараёнда олий ўқув юртилари талаба ва ходимлари яқиндан ёрдам берадилар.

Хусусан, Тошкент Автомобиль йўллари институти ҳамда Тошкент шаҳридаги Турин Политехника университетида 11 мингга яқин талаба ҳисобчи сифатида жалб этилиб, улар йўловчилар транспортга чиққанда бекатнинг рақами кўрсатиш талони чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳар йўловчи ташити транспортини тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул этилиб, унда қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб жамоат транспорти ҳаракатини мониторинг қилувчи GPS тизими пойтахтдаги 8 та автобус йўналишига татбиқ қилинган соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг дебо-часидир. Қарорда белгиланишича, жорий йилнинг якунига қадар GPS ускуналари Тошкент шаҳридаги барча жамоат автобусларида ўрнатилди.

Азиз ҳамшаҳарлар, Тошкент шаҳрида кўрсатилаётган транспорт хизматлари самарадорлигини янада оширишга қаратилган мазкур тадбирга эътиборсиз бўлманг, манзилларингизга етиб олиш жараёнининг янги сифат босқичига кўтарилишига ўз ҳиссангизни қўшинг.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Мамлакатимизда болаларнинг ҳар томонлама камол топиб, соғлом бўлиб вояга етиши масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Кунни кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Дефектология факультети томонидан ўтказилган «Соғлом бола йили»га бағишланган «Дефектолог кадрларни тайёрлаш жараёнида инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш: муаммолар ва истиқболлар» мавзусидаги илмий-амалий анжумани ҳам бу борада олиб борилаётган илмий ишларнинг кўрғини дейиш мумкин.

Анжуманлар

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Анжуманнинг ялпи мажлиси университети илмий ишлар бўйича проректори Жозил Тоҳиров, профессор Лола Мўминова, факультет декани Лайло Нурмухамедова, доцентлар Дилбар Нуркелдиева, Дилдора Назарова, Литва давлатидан ташир буюрган олим Стефания Алисаускенеелар кириш сўзи, «Махсус ва инклюзив таълим тизими учун мутахассисларни тайёрлаш», «Ногирон болаларни тарбиялашнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий асослари», «Ўзбекистон Республикасида дефектологияни такомиллаштириш истиқболлари», «Махсус таълим муассасалари педагогларини

қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг муҳим масалалари», «Инклюзив мактаблари учун мутахассислар тайёрлашдаги ўзгаришлар» каби маърузалар билан бошланди. Анжуманнинг ялпи мажлисида «Дефектолог кадрларни тайёрлаш жараёнида такомиллаштириш», «Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларда инновацион ёндашувлар», «Ривожланишида нуқсонли бўлган болалар билан ишлашда мактаб, маҳалла ва оиланинг ҳамкорлиги» каби шўъбаларда, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, «Устоз-шогирд» тизимида тадқиқот ишла-

рида қатнашаётган магистр, бакалаврларнинг, шунингдек, қатор хорижий мамлакатлар вакиллари-нинг 80 дан ортиқ долзарб мавзулардаги маъруза ва бошқа илмий чиқишлари тақдим этилган. Аянага мувофиқ нашр этилган ва тарқатилган анжуман материаллари олим, олим-педагоглар, тадқиқотчилар, магистрлар, бакалаврлар ва бошқа муассаса, ташкилотлар ходимлари учун бу борадаги тажрибаларни ўрганишда, илмий тавсияларни амалиётга татбиқ этишда, фикр алмашиш, илмий-амалий ишда янги йўналишлар белгилашда асқотди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

СУҒУРТА — ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

Шаҳримизда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг суғурта бозоридagi йигирма йиллик фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори ўринбосари Ж.Ризаев компания фаолияти ҳақида гапирар экан, «Ўзбекинвест»нинг мамлакат иқтисодиёти ва республика суғурта бозорининг ривожланиш жараёнида ўз ўрнига эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Компания 20 йил ичида ривожланиш босқичларини ўтаб, молиявий имкониятлари ва кенг алоқаларни мустаҳкамлашга эришди.

Бугунги кунда суғурта бозоридagi етакчи компаниялардан бири бўлган «Ўзбекинвест» мижозларга юздан зиёд суғурта маҳсулотларини тақдим этаётир. Компания 14 та худудий филиал ва 100 дан ортиқ шаҳар ва туман бўлимларини ўз ичига олган бўлиб, республикамизнинг чекка худудларида ҳам суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Мазкур компанияда 2009-2013 йиллар мобайнида йилгилан суғурта мукофоти 135 фоизга, суғурта мажбуриятлари эса 142 фоизга ўсган. Суғурта тўловларини ўз вақтида тўлаш орқали мижозлар ишончини оқлаш мумкин. Ушбу даврда компания томонидан тўланган суғурта тўловлари миқдори деярли беш баробар ошгани анжуманда алоҳида таъкидланди.

Компания томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига доимий суғурта хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Ҳозирда мижозларга кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш борасида изчил ишлар олиб борилаётир.

2014 йилга белгиланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасида компаниянинг географик минтақасини кенгайтириш ва 25 та янги суғурта бўлимларини ишга тушириш режалаштирилган. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавий суғурта маҳсулотлари ва универсал суғурта дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда хизмат ҳажмини кенгайтиришни мақсад қилган.

Анжуманда шунингдек, «Минггачи мижоз» акцияси ва «Суғурта тўғрисида нимани биламиз?» танлови натижалари эълон қилиниб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизқитирилган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ

«LONDON BUSINESS MATTERS»

ЮРТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, «ҳар йили навбат билан Тошкентда ва Лондонда ўз йиғилишларини ўтказадиган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Британия кенгаши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка кўмаклашишга даъват этилган асосий икки томонлама форум ҳисобланиши» алоҳида таъкидланади.

«London Business Matters» журналхонларни Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиш ва сармоявий фаолият олиб боришга оид маълумотлар билан ҳам қисқача таништирган. Нашр мамлакатимиз сармоявий қонунчилиги минтақадаги энг илгор қонунчиликлардан бири эканлигини ва у халқаро сармоя ҳуқуқининг асосий қоидаларини ўзида мужассамлаштирганлигини эътироф этади.

Ушбу журнал Буюк Британияда аккредитациядан ўтган энг йирик ва нуфузли палаталардан бири – Лондон савдо-саноат палатасининг расмий нашри ҳисобланади. Унга 1881 йили асос солинган. Шундан буён жаҳон молиявий-иқтисодий марказларидан бири бўлган Лондондаги ишбилармон доиралар тизимида халқаро савдо-сотик ва рақобатбардошликни оширишга кўмаклашиш мазкур нашр фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

«Ҳаҳон» АА

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, маҳалла маслаҳатчилари, фаоллари, шаҳар Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Халқ таълими бош бошқармаларининг мутасадди вакиллари, бошқа корхона ва ташкилотларнинг ходимлари иштирокида ҳокимликнинг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти ва хотин-қизлар кўмитасининг бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Фарид Абдурахимова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йилнинг 10-11 апрель кунлари бўлиб ўтган ўн тўртинчи ялпи мажлисида муҳофаза этилган масалалар ҳамда шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти ва Хотин-қизлар кўмитасининг 2014 йил биринчи чорак давомидаги фаолияти натижалари, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган ишларнинг бажарилиши хусусида тўхталиб ўтди.

Жумладан, туман хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти давомида барча жабҳаларда амалга оширилаётган ишлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолият, қизларни ҳаётга тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ва мавжуд муаммолар хусусида фикр юритди.

Бинобарин, шаҳримизда хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, соғлигини муҳофаза қилиш масаласи устувор вазифа бўлиб, соғлом оилани шакллантириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчи қизлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, «Ораста қизлар» клуби фаолиятини ривожлантириш, миллий анъаналаримиз мазмун-моҳиятини ёшлар онгига синдириш жамоат ташкилотлари олдида турган энг асосий масала эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, шаҳар ҳокимининг 528-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича шаҳар комиссиясининг йиллик иш режаси асосида Бектемир ва Миробод туманларида олиб бориладиган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Учтепа ва Шайхонтоҳур туманларидаги ижроси бўйича ушбу туманлар хотин-қизлар кўмиталари раисларининг ҳисоботлари тингланиб, муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг ижроси юзасидан шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошлиқ ўринбосари Р.Ҳайитбаевнинг қилинган ишлар бўйича ҳисоботи ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, йиғилишда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича бажарилаётган ишлар хусусида ҳам сўз борди.

Йиғилиш сўнггида юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» билан ҳамкорлик, маҳаллалардаги тегишли йўналишлар фаолияти, Халқаро «Оила қуни»га тайёргарлик кўриш ва бошқа турли масалалар муҳокама қилинди.

Гулчехра САТТОР қизи

